



Scientific-theoretical foundations of education in primary grades

Mahliyo KHAIDAROVA¹

Termiz State Pedagogical Institute

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2022

Received in revised form

20 June 2022

Accepted 25 July 2022

Available online

15 August 2022

Keywords:

education,
educational process,
task,
students,
pedagogue,
teaching,
human,
attention,
general education,
primary classes.

ABSTRACT

The objective laws of education – the organization of the educational process and the development of the individuality and qualities of people in public life, the further improvement of the first forms of education available to students (good educational knowledge in the family) are considered important tasks facing teachers, educators, coaches. The objective laws of education – the organization of the educational process and the development of the individuality and qualities of people in public life, the further improvement of the first forms of education available to students (good educational knowledge in the family) are considered important tasks facing teachers, educators, coaches.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss7/S-pp1-8>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Бошланғич синфларда тарбия фанини ўқитишнинг илмий-назарий асослари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

тарбия,
ўқув жараёни,
вазифа,
ўқувчилар,
педагог,
ўқитиш,
инсон,
этибор,
умумтаълим,
бошланғич синфлар.

Ушбу мақолада бошланғич синфларда таълим-тарбия беришнинг илмий-назарий асослари ҳақида фикр юритилган, шу билан бирга, мамлакатимизда умумтаълим мактабларида таълим-тарбияга қаратилаётган эътибор, таълим жараёнлари ҳақида маълумот тақдим этилган. Тарбиянинг объектив қонунларини – ўқув тарбиявий жараёни ташкил этиш ва ижтимоий ҳаётда инсонларнинг ўзига хослиги ва сифатларини ривожлантириш, ўқувчиларда мавжуд бўлган илк тарбия кўринишларини (оилада олган тарбиявий билимлар) янаям такомиллаштириш ўқитувчилар, тарбиячилар, мураббийларнинг олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

¹ Senior lecturer of Termiz State Pedagogical Institute.

Научно-теоретические основы обучения предмета воспитания в начальных классах

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

образование,
образовательный процесс,
задача,
учащиеся,
педагог,
учение,
человек,
внимание,
общеобразовательные,
начальные классы.

В данной статье рассматривается вопрос о научно-теоретических основах преподавания воспитательной работы в начальных классах, а также предлагаются сведения об уделяемом внимании на воспитание в общеобразовательных учреждениях, об образовательных процессах. Объективные закономерности воспитания – организация учебного процесса и развитие индивидуальности и качеств людей в общественной жизни, дальнейшее совершенствование доступных учащимся первых форм воспитания (хорошие воспитательные знания в семье) считаются важными задачами, стоящими перед педагогами, воспитателями и тренерами.

КИРИШ

Ўсиб келаётган бугунги кун ёш авлодини барча соҳада маънан етук ва баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани сир эмас. Ўзбекистон таълим тизимининг барча босқичларида, хусусан, мактабгача таълим, умумтаълим мактабларида, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида тарбия фани турли кўринишда ўқитувчи ва мураббийлар томонидан ўқитилиб, таълим бериб келинмоқда. Президентимиз ўз нутқларидан бирида таълим бўғинларида тарбия фанининг аҳамияти, ўрни ва вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтар экан, жумладан, шундай дедилар: “Бизни ўйлантирадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улўф зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан. Зеро, алломалардан қолган гап бор: “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб тасаввур этиб бўлмайди. Мазкур гап нақадар ҳақ эканлигини фарзандларимиз билимли, тарбияли, одобли бўлиб етишганларида, юртга, элга нафи тегадиган етук инсонлар бўлиб улғайганларида англаб етамиз”.

Ушбу масалага янада чуқурроқ ёндашиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилининг 23 август куни Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чоралари тўғрисида”ги Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. 2020 йил 6 июлда “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 422-сонли қарор қабул қилинди [7].

АСОСИЙ ҚИСМ

Инсонларнинг умр кечириши давомида олган таълимлари, орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларини ўзгаларга ўргатиш, баҳам қўриш жараёни тарбия дейилади. Биз тарбияни, кенг маънода, ижтимоий ҳодиса сифатида қўллаганимизда жамиятимизнинг барча бўғинларида тарбиявий воситаларни ўз ичига олганини кўрамиз. Тарбиянинг объектив қонунларини – ўқув тарбиявий жараёни ташкил этиш ва ижтимоий ҳаётда инсонларнинг ўзига хослиги ва сифатларини ривожлантириш, ўқувчиларда мавжуд бўлган илк тарбия қўринишларини (оилада олган тарбиявий билимлар) янада такомиллаштириш ўқитувчилар, тарбиячилар, мураббийларнинг олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Зеро, тарбияни аждождаримиз азал-азалдан ижтимоий ҳаётимиз учун керакли бўлган ҳодисаларнинг асоси сифатида кўрганлар. Айни ўринда тарбиянинг мазмун-моҳиятига, турларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича таъриф берилган: Тарбия – 1) парвариш қилмоқ; таълим бермоқ; ўргатиш; 2) навозиш; меҳрибонлик кўрсатиш; кўз-қулоқ бўлиш; ҳимоя қилиш каби кўп қиррали маъноларга эга [4]. Тарбия сўзига кўплаб олимлар ва ўз соҳасининг етук мутахассислари ҳам фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтганлар. Жумладан, рус педагоги Макаренко: “Ҳамма нарсани тарбия-лашади: одамлар, нарсалар, ҳодисалар, ҳаммасидан кўра кўпроқ одамларни. Улардан, биринчи навбатда, ота-оналар ва ўқитувчиларни”, деб айтган эди. Педагогнинг мазкур мулоҳазасини асосли фикр сифатида қабул қиламиз, зеро, болаларни тарбияловчи инсонларни тарбияламасдан туриб мақсадга эришиб бўлмаслигига яна бир қарра амин бўлдик. Тарбиячи-педагог ўзи тарбияланган, ахлоқ-одобли, хуш хулқ-атворли, яъни ўқувчига ҳар томонлама намуна бўла олиши лозим. Тарбияни амалга оширишнинг восита, усуллари ва омиллари кўпдир. Булар: халқ таълими тизими, оммавий ахборот воситалари, тарғибот ва ташвиқот гуруҳлари ва ҳ.з. Тарбия доимий, изчил ва мақсадли бўлиши лозим. Йўқса, тарбиядан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди [1]. Н.М. Кошанованинг фикрича, тарбия мавсумий, маълум бир вақтга мўлжалланган иш эмас, балки жамият ва давлат аҳамиятига молик, кечиктириб бўлмас, узлуксиз давом этадиган жараён ва стратегик масаладир. Тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсирида амалга ошириладиган динамик тизим сифатида қаралади. Тарбия жараёни таълим муассасаси педагогик фаолиятининг ядросидир [2]. Болаларимизни ҳар тарафлама етук хулқ-атворга эга, талантли, қобилиятли, ўзига ишонган шахс қилиб тарбиялаш ва бунинг учун барча керакли, зарурий шарт-шароитлар яратиш, ўз тақдирини ўзи белгилай оладиган, жамиятда ўз ўринга эга, доимо оилам, юртим дейдиган соғлом фикрли ўқувчиларни тарбиялаш тарбия фанининг асосий мазмун-моҳияти ва мақсадидир. Шундай экан, аввало, биз тарбияни оиладан, боғча ва мактабнинг бошланғич синфларидан бошлашимиз керак.

Вазирлар Маҳкамаси 06.07.2020 йилда “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сон Қарорни қабул қилди. Унга кўра, ягона “Тарбия” фани 1–9-синфларда – 2020–2021 ўқув йилидан, 10–11-синфларда эса – 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб ажратилган умумий соатлар доирасида “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштиради [4].

Юқорида жорий этилган қарорлардан келиб чиқиб, мактаблардаги бошланғич синф ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тарбия фанининг босқичма-босқич жорий қилиниши белгиланди.

Бошланғич синфларда тарбия фанини ўқитишнинг илмий-назарий жиҳатларини асослаш, ўқитиш амалиётига қандай татбиқ қилиш ва ушбу фанни ўқувчилар онгига чуқур сингдириш ва шу каби бир қатор масалалар юзасидан тадқиқотчилар изланиш олиб бормоқдалар. Шунингдек, концептуал асослар, назариялар ва моделларни қандай қўллашни билишни ўз ичига олади. Концептуал асослар – бу дунёнинг кенг қўламли қарашлари. Назарий асос – бу бизнинг тадқиқотимизни бошқарадиган муаммони тушунтириш учун ишлатилиши мумкин бўлган расмий, кўриб чиқилган назарий модел (ёки моделлар)дир. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади. Нима учун назарий асос муҳим? У ўқитувчиларни мавжуд билимларга тегишли назария бўйича йўл-йўриқ орқали боғлашни, шунингдек, гипотезалар асосини ва тадқиқот усуллари танлашни таъминлайди. Бу тарбия фанини ўқувчиларга ўргатишда кузатилган қийинчилик-ларнинг турли томонларини оддий тасвирлашдан ва тушунтиришдан умумлаштиришга ёрдам беради ва уларнинг чегараларини ҳам аниқлайди. Тарбия фани орқали мактаб ўқувчиларини келажакка йўналтириш, ўзига бўлган ишончни ривожлантириш, уларни ўзига хослигини тушунишга, бошқа одамларнинг фикрларини ҳурмат қилишга ўргатиш, ўзини холис баҳолаш, ўз қобилиятлари, малакаларини ҳисобга олган ҳолда келажак учун реал режалар тузиш, ўз-ўзини англаш, ўзини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик, ахлоқ ва ташаббускорликни тарбиялаш, уларнинг оилалари, ўқитувчилар билан ўзаро алоқаларини фаоллаш-тириш лозим. Бизнинг фикримизча, тарбия жараёни махсус ишлаб чиқилган бўлиши, яъни боланинг ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини бошқариш имконият-лари билан уйғунлаштирилган мақсадга мувофиқ тизим бўлгандагина ҳақиқий бўлади. XXI аср кишиси умуминсоний қадриятлардан ва бугунги кун ҳақиқат-ларидан келиб чиқиб, жисмонан соғлом, маънавий-ахлоқий, интеллектуал жиҳат-дан ривожланган, мустақил фикрлайдиган бўлиши, шу билан бирга, дунёда содир бўлаётган жараёнларга лоқайд бўлмаслиги, ташқи олам билан фаол алоқада бўлиши лозим. Боланинг шахс сифатида шаклланиш ва ижтимоийлашув даври, асосан, мактаб тизимида юз беради.

Таълим юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни камол топтириш, яхши ва ёмонни фарқлаш, юксак инсоний фазилатларни шакллантириш қудратига эга. Таълим инсоният жамиятининг барча босқичларида ривожланиб, ўсиб боровчи ва авлоддан-авлодга ворислик вазифасини бажарадиган ҳодисадир. Бироқ ҳар бир жамиятда таълимнинг мақсади, вазифаси ва мазмуни ўзига хослиги билан фарқланади. Таълимсиз шахс ҳам, инсоният жамияти ҳам мавжуд бўлолмайди. Чунки инсон ва жамиятнинг мавжудлигини таъминловчи қадриятлар авлоддан-авлодга фақат тарбия туфайлигина ўтиб боради [3]. Педагогик адабиётларда “Таълим” атамаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода, таълим деганда, инсон шахсини шакллантириш, унинг жамиятнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, фаолиятлар, ҳаракатлар ва интилишлар йиғиндиси тушунилади [5]. Бу тушунчада таълим нафақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб

бориладиган тарбиявий ишлар, балки бутун ижтимоий тизим, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, телевидения ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олади. Таълим, кенг маънода, таълим ва ахборотни қамраб олади.

Эртанги кунимизнинг эгаси бўлмиш ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида қайси йўлни танламоқ, нималарга диққат-эътиборни қаратмоқ лозимлиги ҳақида чуқур ёндашув ва илмий-назарий асосланган тарбия дарсликларини ишлаб чиқаришга эришилди. Қандай қилсак ёки нима қилганда ижобий натижага эришилади каби саволлар тарбия фанининг энг муҳим муаммолари ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий асосларини, янада тараққиёт ва истиқболларини, мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ёш авлодни жаҳон андозалари даражасида тарбиялаш сув ва ҳаводек зарур. Бинобарин, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарони, барча миллат вакиллари, уларнинг фарзандларини ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, мустақил республикамизнинг онгли фидойиларига айлантириш олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир. Юртимиз келажаги йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъдодини бахшида этишга тайёр турган етук инсонлар, уддабурон ёшлар, фидойилар бўлмаса, Ўзбекистонни дунёдаги энг илғор давлатлар сафига қўшиш қийин кечади. Ёшларимизни тарбиялаш учун, биринчи галда, Шарқ мутафаккирларининг дуру жавоҳирга тенг маънавий мерослари дастуруламал бўла олади. Абу Наср Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Исмоил Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Навоий ва Бобур сингари жаҳонга таниқли ва шулар каби бошқа ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотларига таяниб иш кўрилса, тарбиянинг таъсирчанлиги янада мукамаллик касб этади. Ўзининг ўтмиш маданий меросини чуқур билмаган ва эъзозламаган одам ўз шажарасини, аждод-авлодлари босиб ўтган йўлни, миллий истиқлолимиз, эркимиз ва озодлигимиз йўлида жасорат кўрсатган Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа буюк зотлар, халқ қасоскорларининг номлари, курашларининг туб моҳиятини илғай олмайди. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ёш авлодни тарбиялаб етиштириш – муқаддас бурчимиз, ор-номусимиз. Лекин ижобий ахлоқий хислатларни тарбиялаб етиштириш оддий, жўн иш эмас. У кунлаб, ойлаб, йиллаб ва ҳатто ўн йиллаб олий мақсад йўлида сабр-тоқат, чидам ва қатъиятлилиқ, иродавий сифатларни сафарбар этишимизни тақозо этадиган инсоний вазифамиздир.[6] Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ёшлар орасидан энг иқтидорли, салоҳиятдилари танлаб, саралаб олиниб, уларнинг илмий, маданий-маънавий жиҳатдан камолотга эришишлари, замонавий фан-техника асосларини чуқур ўзлаштириб олишлари учун ғамхўрлик қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг эртанги ҳаёти, порлоқ истиқболи назарда тутилиб, кўпгина ёшлар бир қанчи хорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун юборилиши фикримизнинг исботидир. Республикамызда “Таълим тўғрисида”ги Қонунни ҳаётга жорий этиш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ишларини, умумий тиббиёт муаммоларини замонавий талаблар даражасида олиб бориш, мактабларни такомиллаштириш, ўрта махсус билим юртлари ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиш борасидаги ишлар ҳам маданий-маънавий тараққиётимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун бўлган

маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат сингари инсоний фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг замирида ёш авлодга оилада, умумий таълим мактабларида, халқ таълими тизимининг бошқа тармоқларида бериладиган таълим-тарбия ётади. Умуман олганда, ўсиб келаётган ёш авлодни замонамиз руҳига мос, баркамол инсон бўлишлари учун, тарбиянинг таркибий қисмлари (ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик тарбия ва политехник таълим)га янгича нигоҳ ташлаш ва ўша таълимни амалга ошириш йўллари ишлаб чиқмоқ лозим.

Ақлий тарбия шахсни ҳар томонлама тарбиялашнинг етакчи таркибий қисми бўлиб, табиат ва жамият, инсон тафаккури ҳақидаги билимлар тизимини такомиллаштиришга, илмий дунёқарашни, юксак онг фазилатларини шакллантиришга, фан асослари ҳақида маълумот беришга, ўз билимларини ривожлантиришга қаратилган. Ақлий тарбияни шундай ташкил этиш керакки, ўқувчилар зукко бўлиб, объектив оламни яхлит идрок эта оладиган, ўзлигини англай оладиган, ҳаётдаги ўз ўрнини англай оладиган, ўз олдига қўйилган вазифаларни онгли равишда бажара оладиган, инсон қадр-қимматини улуғлай-диган тарзда ташкил этиш зарур. Билимни эгаллаш инсон камолотидаги энг буюк фазилатлардан биридир. Муқаддас китобларимизда ҳам ҳар бир мўмин мусулмон учун илм зарурлиги баён қилинган. “Бешикдан қабргача илм изла”, деган ҳадис сўзларимизнинг тасдиғидир. Шунинг учун Ислом таълимотида билим олишдан мақсад сифатида дунёни билиш зарурати қаралади. Билим дунёни билиш билан чекланиб қолмай, балки инсон маънавиятини бойитишда асосий омил бўла олади. Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларида: “Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгайдир. Илму ҳунарни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганинглари... Илм эгалланг. Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтли дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролидир”, – деганлар. Шунингдек, Ҳадиси шарифда: “Илм олмакка интилиш ҳар бир муслим, муслима учун қарзу фарз”, – дейилади. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарларида билимни юксак неъмат сифатида қадрлайди. Билим ва билимдонликни ҳис эта олмоқ, уни тушунмоқ даркорлиги, билимдон бўлиш, асосан, тарбия билан чамбарчас боғлиқлиги, бола қанчалик эрта тарбия қилинса, шунча яхшилиги ҳақида ёзади: “Агар кимда бўлса ақл, илм, зеҳн, уни мадҳ этиб сен, тугал эр дегин, зиёд бўлса кимда ўқув, ўқув, ақл, билим, ёмон ва кичик бўлса ҳам мақтагин”. Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида илм орқали Фарҳоднинг ақл-идрокли, билимдон, ҳунароманд, камтар, инсонпарвар, иродали ва эътиқодли инсон бўлганлигини кўрсатади. Демак, юқорида таъкидланганидек, ёшлар ақлини ўстириш учун биринчи галдаги вазифа илм олишга даъват этишдир.

Мактаб ўқув режасида кўрсатилган фанларни эгаллаш табиатнинг ва кишилиқ жамиятининг тараққиёт қонунларини билиб олишга имкон беради. Ўқувчиларни фан асослари билан қуроллантирмай туриб, уларда илмий дунёқарашни шакллантира олмаймиз. Илмий дунёқарашсиз ақлий тарбия ҳақида гапириш сафсатабозликдан бошқа нарса эмас. Ўқувчиларга ақлий тарбия беришда, биринчи галда, унинг фикрлаш, ҳис қилиш, тасаввур, хаёл ва хотира қобилият-ларини ўстириш, ички дунёсини маънавий жиҳатдан бойитиш ҳақида ўйламоқ лозим. Шу билан биргаликда, оилада, мактабда болаларга чала-чулпа, ярим-ёрти билимлар бермай, маълум тизим асосида фанга тегишли билимлар беришни ташкил этиш

даркор. Бир сўз билан айтганда, ақлий тарбия ёш авлоднинг меҳнат қилиш қобилиятларини ўстиради ва уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлайди. Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, инсонларнинг ўзига, оиласига, дўст-биродарларига, жамоа аъзоларига ва табиатга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи хулқ, одоб қонун-қоидалари мажмуасидир. Ана шу хулқ, одоб қонун-қоидаларини ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига сингдириш учун кўрсатилаётган таъсир ахлоқий тарбия деб номланади. Демак, ахлоқ кишининг оилага, меҳнатга ва жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Мусулмон ахлоқининг асослари мазмунан бой ва ранг-баранг кўринишларда ўзлигини намоён этади. Марказий Осиё халқлари ахлоқшунослик соҳасида энг бой тажрибага эгадирлар. Қуръони каримдаги ва Ҳадиси шарифлардаги ахлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоятлар асрлар давомида ота-боболаримиз ҳаётдан ўрин олган миллий урф-одатлар, маънавиятимиз дурдоналари – Форобий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Саъдий Шерозий ва бошқа сиймолар, олимлар, ёзувчи-ларнинг ахлоқ ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳали ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган, ушбу ҳикматлар ёшларимиз тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиққўнгиллик, миллатидан қатъи назар, одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабат-ларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбек халқи орасида диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларига, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром – Ўзбекистан аҳолисига хос фазилатлардир. Амир Темур ахлоқи хусния – яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тадбирли саркарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам шошмашошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб бир кесган. Имом Ал-Бухорий: “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик – мана шу тўрт хислатни Оллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир”, – деган эди.

Демак, баркамол инсон тарбиясининг етакчи бўғинининг таркибий қисми – ахлоқий тарбия – инсоний сифатларни яратувчи, шакллантирувчи мукамалликка эриштирувчи воситадир. Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурғон китобдир”. Худди шу маънода, ахлоқ кишининг хулқ-атворида, иймон-эътиқодида, юриш-туришида, кундалик турмушида, фикр-мулоҳазасида, мушоҳада ва мулоқотида кўринади. Ахлоқли инсон ўзини қаттиқ ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади. Мусоҳиб кўнгилга қараб гапиради, кишининг дилини оғритмайди, ташқи муомаласи билан унинг қалбини яшнатади, мулоқот одобига риоя қилади. Юқоридаги фикрлар шундан далолат берадики, жамиятимизнинг кучи фан-техника тараққиёти, моддий бойлигимиз билан бир қаторда, маънавий бойлигимиз, ҳаётимиз маъноси бўлмиш ахлоқий камолотдадир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Нилуфар Махсудовна Кошанова. умумтаълим мактабларида “Тарбия” фанини ўқитиш: Давр талаби, этиёж ва зарурият. 2022. Volume 3.

2. Н.М. Кошанова. Умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантириш механизмлари (кластер ёндашуви асосида)” // пед. фан. фалсафа доктори дисс. Чирчиқ, 2022. – Б. 160.

3. Шахноза Хайитова. Таълим тизими самарадорлигини оширишда мустақил таълимнинг ўрни // Academic research in educational sciences. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-tizimi-samaradorligini-oshirishda-musta-il-talimning-rni> (дата обращения: 03.02.2022).

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик, II том, – М.: «Рус тили нашриёти», 1991, – Б. 125.

5. Hayitova S.D., Abdulhayev I.A.O. Ta’lim muassasalarida va o’zbek oilalarida bolalar ma’naviyatini shakllantirishda kitobxonlikning o’rni // Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 796–802.

6. Daniyarovna H.S., Istamovich K.D., Ilhom U. The Contents of Students’ Independent Education and Methods of Implementation // Psychology and Education Journal. – 2021. – Т. 58. – №. 2. – С. 1445–1456.

7. https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/umumiy_urta_talim_muassasalari_da_tarbiya_fani_joriy_etiladi.

8. Эркинов С.Э. (2011). Семантико-тематический принцип изучения профессионализмов в английском языке (по данным лексики и фразеологии военной сферы). Вестник Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета, (5), 337–347.